



**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ БЎЙИЧА БЎШ
ПРОФЕССОР, ЎҚИТУВЧИ ХОДИМЛАР ТАРКИБИГА ТАНЛОВ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ (АПРЕЛЬ, 2014 йил)**

**Кафедралар бўйича
Доцентлар**

Тиббий профилактика факультетининг “Коммунал ва меҳнат гигиена” кафедраси

Стоматология факультетининг “Терапевтик стоматология” кафедраси

Стоматология факультетининг “Ортопедик стоматология ва ортодонтия” кафедраси

Катта ўқитувчилар

Стоматология факультетининг “2-Ижтимоий фанлар” кафедраси

Стоматология факультетининг “Психиатрия” кафедраси

Ассистентлар

Тиббий профилактика факультетининг “Тери-таносил” касалликлари кафедраси

Тиббий профилактика факультетининг “Травматология, ортопедия ХДЖ ва нейрожарроҳлик” кафедраси

ОМХ факультетининг “1-сон тиллар педагогика ва психология” кафедраси

Стоматология факультетининг “Биоорганик, биологик кимё” кафедраси

Стоматология факультетининг “Болалар стоматологияси” кафедраси

Даволаш факультетининг “Факультет ва госпитал терапия, тиббий профилактика факультетининг ички касалликлар” кафедраси

Стоматология факультетининг “Жарроҳлик стоматология” кафедраси

Даволаш факультетининг “УАШТ клиник аллергология” кафедраси

Даволаш факультетининг “УАШТ эндокринология” кафедраси

Ўқувчи

Харбий-тиббиёт факультетининг харбий дала жарроҳлиги кафедраси

Хужжатларни қабул қилиш муддати танлов эълон қилинган кундан бошлаб бир ой муддат ичида Тошкент Тиббиёт академияси ректоратининг девонхона бўлимига топширилади. Манзилимиз: Олмазор тумани, Фаробий кўчаси, 2-уй.

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOVOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova.

Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi
RISOGRAFIDA
1000 nusxada chop etildi.
Manzilimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir

Gazeta bepul tarqatiladi

2014 йил — Соғлом бола

йили

**ДАВЛАТ
СИЁСАТИНИНГ
УСТУВОР
ЙЎНАЛИШИ**

Хар қайси мамлакатнинг демократик тараққиёт даражасини кўрсатувчи энг муҳим ва ҳал қилувчи мезон инсон ҳуқуқлари ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг халқаро ва миллий андозалари изчил такомиллашиб бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқ тизимида ақлий ва жисмоний жиҳатдан камолга етмаган, махсус равишда муҳофаза ва ғамхўрликка, бинобарин, туғилгунча ва туғилгандан кейин ҳам муносиб даражадаги ҳуқуқий ҳимояга муҳтож болаларга тақдим этилаётган алоҳида ҳуқуқлар, имтиёзлар ва кафолатларни қамраб олувчи бу ҳуқуқ “Бола ҳуқуқлари” тушунчасидир.

Бола ҳуқуқларининг халқаро ҳуқуқат асослари ҳақида гап борар экан, бу борада “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияни алоҳида тилга олиш лозим. Чунки мазкур Конвенция халқаро ҳужжат бўлиб, бу бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилишни мустақамлашнинг ҳамда давлатлараро ҳамкорлик муносабатларининг бош ҳуқуқий асосини ташкил этади. Шунингдек, айни пайтда ушбу Конвенция бола ҳуқуқлари соҳасидаги миллий қонунчиликнинг ривожланиши учун халқаро ҳуқуқий мезон бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга қўшилиши бола ҳуқуқларига оид давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишлари ва устувор вазифаларни белгилашга ҳамда бола ҳуқуқларини амалга ошириш ва ҳимоя қилиш билан боғлиқ муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг самарали механизмини ишлаб чиқишга хизмат қилди.



Ёшларга оид давлат сиёсати — амалда

**СОҒЛОМ ЮРТ
ФАРЗАНДЛАРИМИЗ**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори ижроси ҳамда “Соғлом бола йили” Давлат дастуридан ўрин олган соғлом турмуш тарзини тарғиб этишга қаратилган катта спорт байрами “Соғлом юрт фарзандларимиз” шиори остида Тошкент Тиббиёт академиясида ташкил этилди.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу спорт мусобақалари талаба-ёшлар ўртасида жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишни янада оммавийлаштириш, соғлом ҳаёт тарзини тарғиб қилиш, уларнинг бўш вақтини унумли ўтказиш, шунингдек талабалар қалбида спорт билан шуғулланишга янада иштиёқ уйғотиш каби бир қатор хайрли мақсадларни қамраб олди.

“Шифокор” спорт мажмуасининг байрамона тарзда Тошкент Тиббиёт академиясининг мустақиллик йилларида эришган ютуқлари, спортга бўлган эътиборни ифодаловчи паннолар, шар ва байроқлар ҳамда шиорлар билан безатилгани, энг муҳими мусобақа қатнашчилари бўлган талабаларнинг юқори кўтаринкиликда, бир-бирларини қўллаб-қувватлаб унда иштирок этаётгани ушбу мусобақанинг ниҳоятда юқори савияда ташкил этилгани ва нуфуздан дарак бериб тургандек гўё.

Давоми 3-бетда.

Давоми 2-бетда.



*Бахт кўпинча шундоққина ёнимизда бўлади-ю
биз уни узоқлардан қидирамиз.*



ДАВЛАТ СИЁСАТИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШИ

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Мустақил мамлакатимизнинг устувор йўналишларидан бири ҳар жиҳатдан етук баркамол инсонлар жамиятини барпо этиш, келажаги буюк давлат қуришдан иборат. Яхши парваришланган ниҳол қуёшга талпиниб, гуркираб ўсганидек, таг-заминини мустаҳкамлаш оилада, ота-она меҳридан, жамиятнинг эътибори ва ғамхўрлигидан баҳра олган ёшларимиз ҳам баркамол бўлиб вояга етдилар ҳамда мамлакатимизнинг келажаги буюк бўлишига муносиб ҳисса қўшадилар. Бу халқимизнинг эзгу орзуси ва инсонпарварлик сиёсатининг пировард мақсадидир.

Ўзбек оиласи ўзининг болажонлиги, оилавий муносабатларнинг самимийлиги, ота-оналарнинг болалари, фарзандларнинг эса ота-оналари олдидаги бурчларини сидқидилдан ҳеч бир монеликсиз адо этиши билан ажралиб туради. Тарбия оиладан бошланади. Ота-она фарзандини Она-Ватанини севадиган, ардоқлайдиган, зарур ҳолларда жонини ҳам фидо этишга тайёр руҳда тарбияламоғи лозим. Фарзандларимизнинг ҳар томонлама етук, мамлакат равнақи ва юрт келажаги учун хизмат қиладиган инсон бўлиб вояга етишида оиланинг ўрни муҳим.

Республикаимизда оналик ва болаликни ҳимоя қилиш бўйича қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар замирида ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш, оналар ва болаларнинг моддий аҳволини яхшилаш учун тегишли иқтисодий шароит яратиши, соғлом оилани шакллантириш, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш сингари мазмун-моҳият мужассам.

Хулоса қилиб айтганда, бугун юртимизда бола ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ўзига хос миллий ҳуқуқий тизим шаклланган бўлиб, айна пайтда мамлакатимиз мазкур йўлдан дадил қадам ташламоқда. 2014 йилга “Соғлом бола йили” деб ном берилиши эса давлатимиз томонидан келажак авлодга бўлган ғамхўрликнинг яна бир ёрқин ифодасидир.

Ю.А. МАҲМУДОВ
1-ижтимоий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси

“Маънавият соати” эзгу амалларимизнинг самараси бўлсин!

Маънавият инсониятни эзгуликка ва порлоқ келажакка қорлайдиган бекиёс кучдир. Юртбошимиз таъкидлаганидек “Маънавият йўқ жойда ҳеч қачон бахтсаодат бўлмайди”. Ҳозирги даврда аҳолининг, айниқса ёшлар маънавиятини юксалтириш давлатимиз сиёсатининг асосий мезонини белгилайди. Албатта, маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш кенг жамоатчиликнинг муҳим ҳаракат дастурига айланган.

Мана қарийб тўрт йилдан буён ТТАда “Маънавият соати”ни ўтказиш анъанага айланган. Бугунга қадар 200 га яқин “Маънавият соат”лари ўтказилган. “Маънавият соат”ларининг асосий мақсади талаба-ёшларни ҳар томонлама маънавий камол топтириш, уларнинг ҳуқуқий, сиёсий ва ахлоқий маданиятлари ва демократик қадриятларни қарор топтириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ёшлар онгида турли мафкуравий таҳдидларга қарши курашиш иммунитетини шакллантириш, шунингдек эркин фикрлаш, атрофда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдира олиш қобилиятини ривожлантиришдан иборат.

“Маънавият соат”ларининг асосий мавзуларини Президентимизнинг асарларини ўрганиш, жумладан “Юксак маънавият – энгилмас куч”, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида” китоблари ва маърузаларини чуқур ўрганиш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ва маънавий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига доир, шу билан бирга глобал муаммага айланган ОИТС, одам савдоси, гиёҳвандлик, диний экстремизм ва терроризм, коррупция ва ҳуқуқбузарликка қарши курашишга оид услубий тавсияларни ифодаловчи маърузалар ташкил этади. Ҳар бир чиқишлар

маърузачилар томонидан слайдлар ва кўргазмали намойишлар орқали олиб борилмоқда. “Маънавият соат”ларини ўтказишда ТТА профессор-ўқитувчилари бирдек фаол иштирок этмоқда. Мазкур йил Президентимиз томонидан “Соғлом бола йили” деб номланганлиги сабабли Педатрия, Акушерлик ва генекология ва Болалар ва ўсмирлар овқатланиш гигиенаси кафедралари ўқитувчилари ўз маърузалари билан иштирок этишди. Шу ўринда таъкидлаш кераки, бу ишларда ТТА 1 ва 2-ижтимоий-гуманитар фаоллар, 1 ва 2-тиллер, педагогика ва психология, юқумли касалликлар, наркологиya ва психиатрия, ҳарбий тиббий тайёргарлик ва фуқаро муҳофази кафедралари профессор-ўқитувчилари фаоллиги юқори бўлиб, алоҳида аҳамиятга эга.

“Маънавият соат”лари ўтказилишини назорат қилиш ва мониторингини олиб бориш ТТА маънавият-маърифат бўлими зиммасига юклатилган. Бугунги кунга ўрганилган кафедралар ҳисобига кўра, жиддий камчиликлар кузатилмаган. “Маънавият соат”лари ўз вақтида амалга оширилмоқда. Таъкидлаш жоизки, “Маънавият соат”и мазмунини янада бойитиш борасида қилинадиган ишлар талайгина. Бу борада ТТА жамоатчилиги фаол ҳаракат олиб бормоқда, аниқ режалар устида ишланмоқда. Албатта, бу қилинажак ишларимиз юртимиз тараққиётига ҳисса қўшиш, талаба-ёшларимизнинг маънавий дунёсини бойитишга хизмат қиладир. Зеро, барча саъй-ҳаракатларимиз қаторида “Маънавият соат”лари ҳам эзгу амалларимизнинг самарасини кўрсатишига ишонамиз.

Лира ПИРЖАНОВА,
ТТА Маънавият-маърифат бўлими услубчиси

“Зумлайдан қор, зиёга юз тўти” АҚИДАПАРАСТЛИК ВА ТАҲДИД

Экстремизм ва фундаментализм, яъни ақидапарастлик тушунчаларининг ўзи анча мураккаб ва серқирра маъноларга эга. Бугун биз ислом экстремизми ва ақидапарастлик юзасидан фикр юритамиз.

Ҳозирги даврда кўпчилик диний экстремизм ва ақидапарастликнинг ўзи нима эканлигини яхши биладилар.

Диний экстремизм — маълум сиёсий мақсадлар йўлида ва дин ниқоби остида мутаассиблар йўлида ёки уларни иродасига кўра иш кўрувчи гуруҳлар томонидан иш олиб бориладиган ўта ашаддий ҳаракатлар ва қарашлар мажмуини англатади. Бошқача айтганда, диний экстремизм — муайян диний йўналиш ва ташкилотлардаги ашаддий мутаассиб унсурлар сиёсий фаолияти мафкураси бўлиб, бунинг исботи сифатида “Мусулмон биродарлари” ва ундан ажралиб чиққан кўплаб диний экстремистик руҳдаги гуруҳ ва ташкилотлар таянадиган асосий голярлари эслаб ўтишимиз ўринлидир.

Уларнинг эътиқоди бўйича ислом нафақат дунёвий ва ягона тўғри дин, балки ҳаётни ташкил этиш қомуси ҳам. Улар наздида ислом пайғамбаримиз Муҳаммад саллолаҳу алайҳи вассаламга ваҳий бўлган даврдан бугунги кунгача келадиган барча ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий, яъни соф дунёвий муаммоларни ҳал этишнинг ягона йўли ҳисобланади. Бу ақидага кўра, ҳамма мусулмонлар ягона миллатни ташкил этадилар ва улар эътиқодлари бўйича биродар “Мусулмон биродарлари” ҳеч қандай маъмурий-жуғрофий ҳудудни тан олмайдилар ва пировард мақсадда ер юзидаги барча

мамлакатларда ягона мусулмон бирлиги ва уларнинг диний ва дунёвий ҳокимиятни ўзида мужассамлаштирган “Халифа” раҳбарлигидаги ягона мусулмон давлати қуришни кўзлайдилар. Бу шартни бажармоқ, ниятга етмоқ учун ҳар қандай хунрезликка ва биродарқушликка фатво берилди.

Диний ақидапарастлик эса — сиёсий мақсадлар йўлида мавжуд ижтимоий муаммоларни илк, яъни мазкур дин пайдо бўлган пайтдаги арконлар асосида ҳал этмоқ ниятидаги ҳаракат ва қарашлардан иборат.

Ислом нуқтаи назаридан қараганда, бу тушунчанинг яна бир томони бўлиб, унга кўра диний ақидапарастлик дастлабки ақидани ўзгартирмаслик, ваҳий ва мўъжизаларнинг муқаддас китоблардаги ифодасини ҳижжалаб, ҳарфий, яъни сўзма-сўз талқин этишга асосланган эътиқодни жамият ривожланиши қонуниятларининг мантиқий далилларидан устун қўйиши.

Ақидапарастлар диний эътиқод шаклланишининг бошланғич даврида белгиланган, ўша замондаги сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий шароитларга мос бўлган барча йўл-йўриқларнинг қатъий ҳамда оғишмай бажарилишини талаб қиладилар ва шу тариқа диний оқимларни ифодалашда қўлланиладиган ислоҳот шаклини шарт қилиб қўядилар.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда диний экстремизм ва ақидапарастликнинг Ислом экстремизми ва ақидапарастлиги шакли мавжуд ва айнан шу омил миллий хавфсизлигимизга таҳдид солмоқда.

Ю.А. МАҲМУДОВ,
фалсафа фанлари
номзоди

ҲИҚМАТ БЎСТОНИ

*Хаёл қушини қувиб
етиб бўлмайди.*

* * *

*Доимий ёмон кайфиятда
юришнинг ўзи касаллик.*

* * *

*Манфаатдан холи инсон
йўқ.*

* * *

*Бу дунёда ақлга сиғмай
диган ишлар ҳам кўп.*

* * *

*Бекорчи кунни кеч
қилолмай овора.*

* * *


Ўзига ишонмаган бебахтдир.

* * *


*Кишининг фаросатини
бир оғиз сўзи ёки биргина
ҳаракатидан билиш
мумкин.*



Ўзига ҳаддан зиёд ишониш ҳам кишига панд беради.



Ҳасад кўнгилни қорайтиради.



Кўп йиллардан буён одамларнинг “Сизнинг касбингиз — шифокорлик касби жуда улғу, инсонпарвар касб”, деганларини эшитамиз. Дарҳақиқат, шундай! Бироқ инсонни касб эмас, балки инсон касбини гўзал қилади.

Авваламбор, шифокорлик касби жисмоний куч-қувват, ўз бурчини ҳар доим ҳис этиб туриш, ҳатто ўзини фидо этишга тайёр туришни талаб этади.

Оқ халат кийган шифокор учун бирор касалликни юктириб олиш, ўзига зарар этиш каби вазиятлар тажрибада кўп учраб туради. Оқ халат — беғубор фикр, доим ёрдамга тайёр туриш ифодасидир.

Ҳозирда кўпчилик шифокорларимиз ўзларининг ҳалол меҳнатлари билан эл ҳурматиға сазовор бўлиб келаяптилар. Лекин шу билан бирга виждонини унутиб, бу касбини топтаётган шифокорларга ҳам дуч келамиз.

Негаки бирники мингга, мингники туманга татийди.

Мана шундай олғирлар туфайли тиббиётнинг покиза номига доғ тушади. Аммо тиббиёт олами оқ халатдаги бу доғларни ювишга қудрати етадиган кучга эга. Бу куч иймон-этиқоиди бутун, эртами кечми, уйда, меҳмондами огоҳлантирувчи хабар эшитди дегунча халатни елкасига ташлаб югуриб келадиган, соатлаб ўлим билан олишадиган шифокорлардир. Унинг уйку-

сиз тунлари ҳисобига бемор иккинчи бор ҳаёт юзини кўради. Илтимос билан ижобий баҳо олишга интилаётган, шифокор бўлмоқчи бўлган талабалар шуни унутмасликлари керакки, мушакил Ўзбекистонимизга ўз касбини пухта ўзлаштирган, билимдон мутахассислар керак. Икки-уч баҳога ўқиган шифокордан ҳеч қандай ўз касбининг устаси чиқмайди. Бундайларни ҳаётнинг ўзи жазолайди. Чунки халқ назарида аниқ ҳисоб-китоблар бор.

Бу борада буюк олим М.Канчаловский: “Нўнок ёзуви, чала рассом, истеъдодсиз артист бўлиши мумкин, аммо ёмон шифокор бўлиш асло мумкин эмас. Бу — жиноят”, — деб жуда тўғри айтган.

Ҳалоллик иймон асосидир. Демак, жисмимиз, руҳимиз соғлом бўлиши учун, биринчи навбатда, риск-насибамиз ҳалол бўлмоғи лозим.

Бурч худди виждон каби маънавият тоифаларидан бири саналади ва уни қисман ёки ярим-ёрти ҳолда адо этиш мумкин эмас. Агар инсон бурч юкини ўзидан соқит қилар экан, нафақат фойдасиз мавжудот бўлиб қолади, балки ўз хулқ-атворининг барқарор-

лигидан ҳам сўзсиз айрилади, охир-оқибат ўз муҳолифига айланади.

Донолар айтади:

**Ҳар кимса бориға қаноат қилса,
Ажабланма, тушмас бировга иши.**

**Юрагида кимни таъма бўлмаса,
Ҳеч кимсадан бўлмас,
кўрқув ташвиши!**

**Нафски ақлга бўйсунса агар,
Иқбол дарахтидан мева ер киши.
Ақлдан зиёда бўлса агар нафс,
Одамнинг кундан кун
ортар ташвиши.**

**Ҳар ким таъма йўлин тутса
агар пеш,
Оқибат бир кун бўлгуси дарвеш!**

**С. БАЙМАКОВ,
ТТА, Малака ошириш маркази
директори доц.
А. ИСЛАМОВ,
Л. Т. ҲИДОЯТОВА,
катта ўқитувчилар**

ОҚ ХАЛАТ — БУРЧГА САДОҚАТ РАМЗИДИР

“ТАФАККУР СИНОВЛАРИ”

ЁШЛАР ТАФАККУРИ ЮКСАЛИШИДАГИ ИМКОНИЯТДИР!

Жорий йилнинг 6 февраль куни “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарор қабул қилинди.

Бу қарорнинг мазмунида ёшларнинг замонавий чуқур билим олиши, интеллектуал салоҳиятини янада ривожлантириш учун шарт-шароит яратиш, уларнинг ҳар томонлама жисмоний ва маънавий етук бўлиб вояга етиш имкониятлари ифодаланган. Биз ёшларнинг ўз касбимиз моҳиятини кенг ўрганишимиз ва ҳаётга татбиқ этиш учун республикамизда барча шароитлар яратилганидан бениҳоя хурсандмиз. Биздан талаб қилинадиган асосий жиҳат — мана шу яратилган имкониятлардан самарали фойдаланиш, таълим бераётган устозларимизнинг кўрсатма ва ўғитларини ўрганишдир.

18 апрель куни ТТАнинг 8 нафар талабасидан иборат жамоа Тошкент давлат шарқшунослик институтида бўлиб ўтган “Тафаккур синовлари” республика кўрик-танловининг саралаш босқичида иштирок этди. Жамоанинг асосий иштирокчилари сифатида айтишимиз мумкинки, бу танлов бизнинг сиёсий-ҳуқуқий ва маънавий-маърифий билимларимиз бойишига том маънода кўмак берди.

Танловнинг асосий мақсади ҳам республикамизда ёшларга оид давлат сиёсатини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш бўлиб, талаба-ёшларнинг сиёсий саводхонлиги, уларнинг мамлакатимизда олиб борилаётган демократик ислохотлар ва янги истиқлол даври тарихининг мазмунини қанчалик чуқур англашини ифодалиб беришдир.

Кўрик-танлов бешта асосий шартдан иборат бўлиб, республикамизда кўзга кўринган таниқли профессорлар, сиёсатшунослардан иборат ҳакамлар ҳайъати ҳар бир чиқишни 10 баллик тизимда баҳоладилар. Ўзимизга бўлган ишонч, устоз-



ларимиз берган билим ва албатта, адолатли баҳолаш натижасида “Ёш шифокорлар” деб номланган жамоамиз кўрик-танловда ғолиб деб топилди ва 1-даражали диплом билан тақдирланди, кейинги босқичга йўлланма олди. Мана шу кўрик-танловга тайёргарлигимиз борасида бизга яқиндан ёрдам берган 1-ижтимоий фанлар кафедраси профессор-ўқитувчиларига ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз. Кейинги босқичларга ҳам чуқур тайёргарлик кўриш ниятидамыз.

**Амриддин ШАЙМАРДОНОВ,
Абдурашид БОТИРБЕКОВ,
Фармон ХОЖИЕВ,
даволаш факультети 103-груҳ талабалари**

Ёшларга оид давлат сиёсати — амалга

СОҒЛОМ ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИМИЗ



(Давоми. Боши 1-бетда.)

— Олий таълим даргоҳимиз нафақат билимли, ўз касбини пухта билган шифокорларни, балки жисмонан соғлом, баркамол авлодни тарбиялаб элимиз корига ярайдиган инсонлар қилиб тарбиялашга катта эътиборни қаратган, — дейди биз билан суҳбатда ўзи ҳам мусобақа иштирокчиси бўлган

даволаш факультетининг декани, профессор Барно Ҳолматова. — Саломатлигимиз ўз қўлимизда эканини, “Соғ танда — соғлом ақл”-нақлининг қанчалик тўғри эканини биз шифокорлар ўзимиз амалда кўрсатишимиз керак. Шунинг учун ҳам академиямизда спорт турларидан футбол, баскетбол, волейбол, стол тенниси, шахмат, шашка, эстафетали югуриш, шейпинг, кичкинтойлар учун “Қувноқ стартлар” ва арқон тортиш

турлари бўйича мунтазам равишда мусобақалар ўтказилиб келинади. “Биз бир оила, биз бир жамоамиз” шиори остида эстафетали ва катта байрам тарзида ўтказиладиган ушбу мусобақаларда профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар барчага ўрناق бўлиб фаол қатнашиб келмоқдалар. “Оилавий команда”лар жамоалари эса фарзандлари ва набиралари билан қатнашиб ўз командаларининг ғалабасини таъминлашга ҳисса қўшадилар.

Дарҳақиқат ушбу мусобақада иштирок этиб кўнглимиз гурур ва қувончга тўлди, ёшликнинг ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайдиган ғайрату шижо-

ати, беғубор ва беташвиш онларига шерик бўлганча ўн битта жамоанинг арқон тортиш бўйича беллашувни, шейпинг жамоаларининг чиқишлари, кичкинтойларнинг югуриш бўйича юқори натижага эришганларини мароқ билан кузатдик. Даволаш ва тиббий педагогика, тиббий профилактика ва стоматология факультети жамоаларидан иборат қатнашчилар имкон борича фақат ғалабага эришишга интилдилар десак мусобақага бўлмайди.




— Талабаларни фақат қўллаб-қувватлаш ва интилишга, изланишга чақирувчи бундай мусобақалар анъанавий тарзда ҳар йили ўтказилиб келинади, — дейди даволаш факультетининг 4-босқич талабаси Нигора Ақромова. — Унда ёшлар янги ғоя, янги тақлиф ва тавсиялар билан иштирок этадилар. Соғлом турмуш тарзи бизнинг кундалик ҳаётимизга айланган. Биз

спортчи-ёшлар деган унвонга лойиқ бўлишга интилиб келмоқдамиз.

Тадбир давомида Тиббиёт академияси маданият уйи ходимлари, “Талабалар баҳори” кўрик-танлови ғолиблари ва “Булбулча” бадийий жамоасининг чиқишлари барчага завқ бағишлади.

Мусобақа давомида етук спорт усталари ҳар бир жамоани ҳолисона баҳолаб бордилар. Ғолиблар сертификат, қимматбаҳо совға — саломлар билан тақдирланди. Барча оилавий жамоалар фарзандларига ҳам эсдалик совғалари топширилди.

Кутбиддин НИЗОМОВ





Имконият ғолибликка элтувчи йўлдир!

Кейинги йилларда оммавий ахборот воситалари, айниқса телевидениеда ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, уларда зийраклик ва ҳозиржавобликни янада юксалтиришга қаратилган бир қанча тоқшоулар, баҳс-мунозараларга бой қатор кўрсатувлар намойиш этилмоқда.

Бу кўрсатувлар нафақат ёшлар, балки бутун республикамиз ўрта ва кекса ёшли аҳолисининг ҳам севимли ва мароқли эфир намойишига айланиб бормоқда. Қизиғи шундаки, халқимиз бу кўрсатувлар орқали кўплаб маълумотларни олиш билан бирга, ўзлари учун муҳим бўлган саволлар жавоби ва ечимига ҳам эга бўлмоқда.

Жорий йилнинг 13 апрель куни Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг “Ёшлар” телеканали орқали намойиш этилган “Имкон шоу” телелойиҳасида бизнинг Тошкент Тиббиёт академияси талабалари иштирок этиб, санъаткорлардан иборат жамоа билан беллашдилар. Беллашувда “Қамолот” Ё.И.Х. ТТА бўлими етакчиси И.Отажонов, даволаш факультети талабалари – Н.Ақромова ва Ж.Маҳмаджонов ҳамда тиббий профилактика факультети талабаси А.Саидовлар асосий иштирокчи сифатида шоу “беллашув майдони”да бўлдилар. Телелойиҳа бошловчиси томонидан берилган “Тезкор савол-жавоблар”, “Фан-

томимо”, “Тест саволи” ва “Мантиқий савол” рукнаридаги барча саволларга жавоб топишда ва ижро этиши лозим бўлган чиқишларда академиямиз талабалари ўзларининг зукколиги, билимлилиги билан намоён бўлиб, ғолибликни кўлга киритди. Албатта, бундай лойиҳаларда иштирок этиш барча ёшларнинг билим олиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш имкониятини янада кенгайтиради. “Имкон шоу”да иштирок этган ТТАнинг барча профессор-ўқитувчилари ва талабалари бирдек мамнун бўлишди, ғолибларимизни чин дилдан қутлашди. Биз уларнинг келгусида илмлари янада юксак бўлишига ишонамиз.

Маъсуда ҚОДИРОВА,
нормал физиология, информатика
ва биофизика кафедраси доценти
Нилуфар НИЁЗОВА,
1-ижтимоий фанлар кафедраси
катта ўқитувчиси, ф.ф.н.

Тарихдан сўзлагувчи шахар...

Барчамизга маълумки, буюк соҳибқирон А.Темур ва Темурийлар даврида Самарқанд нафақат давлат пойтахти, балки илм-фан, санъат, адабиёт ва меъморчилик ривожининг асосий маскани бўлган. Бугунги кунда Самарқанд шаҳри жаҳон туризмнинг энг йирик марказларидан бирига айланган десак муболага бўлмайди.

А.Темурнинг 678 йиллиги Республикамиз бўйлаб кенг нишонланди. Ушбу сана муносабати билан биз талабалар учун кўҳна ва ҳаммаша навқирон Самарқанд шаҳрига саёҳат ташкиллаштирилди. 51 нафардан иборат саёҳат иштирокчилари Самарқанд шаҳрининг диққатга сазовор жойлари – Имом ал-Бухорий мажмуи, Шоҳи Зинда, Гўри Амир, Бибихоним жоме масжиди, Ҳазрати Дониёр мақбараси ва Регистон мажмуига ташриф буюрдик.

Шунингдек, Самарқанд шаҳридаги бунёдкорлик ишлари мазмуни билан кенг танишдик. Албатта, биз бу шаҳар тарихи ҳақида китоблардан кўплаб маълумотлар ўқиганмиз, бироқ шундай аждодларнинг бунёдкорлик ишлари инсоннинг кўз ўнгида намоён бўлиши фахр ва ифтихор туйғуларини бахш этар экан. Жаҳоннинг турли давлатларидан келган кўплаб сайёҳларни кўриб янада қувондик. “Тарихини билмаган миллатнинг келажаги йўқ”

дейди Муҳтарам Юртбошимиз. Дарҳақиқат, Ватанимиз келажаги биз ёшларнинг камоли билан боғлиқ. Бунинг учун биз нафақат ўз касбий маҳоратимиз сирларини чуқур ўрганишимиз, балки аждодларимизнинг шонли тарихини, илм-фан, маданий тараққиётдаги салмоқли ишларини ўрганиб, уларни ҳаётга татбиқ этмоғимиз лозим. Зеро, бизнинг вазифамизга аждодлардан қолган меросга ворислик қилиш, уларнинг меросини келажак авлодларга бекаму кўст етказиш. Самарқанд шаҳрига бўлган саёҳатдан улкан таассуротлар билан қайтиш билан бирга, шундай юртнинг фарзандлари, буюк инсонларнинг вориси эканлигимиз билан ғурурландик.

Дилшода АҲМЕДОВА,
Наргиза ИБРАГИМОВА,
Фарангис МУЗАФФАРОВА,
даволаш факультети 103-гуруҳ
талабалари

“Соғлом бола йили”да соғлом турмуш тарзи

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг қомусий билимга эга бўлган улуг аллома эканлиги фан оламида яхши маълум. Ибн Сино тиббиёт фанининг моҳияти ва вазифаларини бошқалардан кўра чуқурроқ ва кенгроқ тасаввур қилган, бу эса машҳур “Тиб қонунлари китоби”да ўз ифодасини топган.

Ибн Сино тиб илмига шундай таъриф берган: “Тиб шундай бир илмки, у билан одам гавдасининг аҳволи соғлиқ ва касаллик жиҳатдан ўрганилиб, унинг мавжуд соғлиғи сақланади ва йўқотилгани тикланади”.

Ибн Синонинг бу таърифида жуда муҳим фикр бор. Бу фикр юксак даражада ривожланган ҳозирги замон тиббиётининг асосий қондасига тамомила мос келади.

Биз Ибн Синонинг тиббий фикрларини баён этишда Президентимизнинг 2014 йилни “Соғлом бола” йили деб эълон қилганликлари Тиббиёт академиясининг талабалари зиммасига янада катта масъулият юкланганлигидан далолат беради.

Бунда албатта талабаларимиз “Соғлом ва баркамол фарзанд тарбияси – энг масъулиятли вазифа” деган шиорни ўз олдларига катта мақсад қилиб қўйдилар ва шу мавзуга бағишлаб “Соғлом турмуш тарзини” кенг тарғиб этиш учун “Семинар тренинг” машғулоти ўтказилди.

Машғулоти Тошкент вилояти ўқитувчилар малакасини ошириш институти доценти, Ҳайдарова Ойдинхон Неъматжоновна олиб бордилар.

Тадбирда 2, 3, 4-босқич даволаш, стоматология ва тиббий профилактика талабалари иштирок этдилар.

Ибн Синонинг кўрсатишича, саломатликни сақлаш учун биринчи галда қуйидаги тадбирни амалга ошириш керак: 1) киши миҳозини мўтадил ҳолга келтириш; 2) ейладиган ва ичиладиган нарсаларни тўғри танлаш; 3) одам гавдасининг тўғри тузилишини сақлаш; 4) танани чиқиндилардан тозалаб туриш; 5) нафас олинадиган ҳавони етарли ва яхши қилиш; 6) танага ва мавсумга мувофиқ кийим танлаш; 7) жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўтадил қилиш.

Мутахассис юқоридаги фикрларга тўлиқ изоҳ бергандан сўнг, “Соғлом бола йили”да Сиз талабалар нималарга эътибор беришингиз керак деган саволни ўртага ташлаб, қатнашувчи талабаларни қуйидаги гуруҳга бўлиб чиқди.

1. Гигиена.
2. Чиниқиш.
3. Жисмоний тарбия.
4. Тўғри овқатланиш.
5. Соғлом оила.

Семинар давомида талабалар билан назарий ҳамда амалий машғулотлар ўтказилди.

М.А.ҚОДИРОВА,
Ибн-Сино саломатлик маърифат маскани
марказ раиси, доцент

III НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКАЯ КОНФЕРЕНЦИЯ МОЛОДЫХ УЧЕНЫХ

16 апреля 2014 года в гостинице «International Hotel Tashkent» состоялась III научно-практическая конференция молодых ученых «Актуальные вопросы медицины», в которой приняли участие студенты бакалавриата и магистратуры, клинические ординаторы, ассистенты и научные исследователи. В программу конференции были включены 20 докладов и 16 постерных презентаций, представленные молодыми учеными из Германии, Италии, Кореи, ТМА, ТашПМИ, ТашиУВ. В сборнике конференции опубликованы 396 тезисов. Официальным языком конференции традиционно являлся английский. Докладчиком, занявшим призовое место, ректором ТМА академиком Каримовым Ш. И. были вручены денежные призы. Кроме этого, всех молодых ученых, а также активных участников конференции отметили почетными грамотами и сертификатами.

По словам заместителя министра высшего и среднего специального образования Б. Ш. Усманова, основная задача подобных конференций – стимулирование научной активности студентов и молодых ученых, привлечение их к решению актуальных задач современной науки, сохранение и развитие единого научно-образовательного пространства, установление контактов между будущими коллегами в рамках реализации Закона Республики Узбекистан «Об образовании» и Национальной программы по подготовке кадров с комплексной системой обучения на иностранном языке.

Стиф Макналти – директор Британского совета в Узбекистане – в своем выступлении также оценил высокий уровень конференции и отметил, что перспективы проводимого мероприятия направлены на формирование гармонично развитого, высокообразованного, современно мыслящего подрастающего поколения и дальнейшую интеграцию нашей республики в мировое прогрессивное сообщество.

Также в рамках дней молодых ученых 17 апреля в ТМА были проведены заседания СНО по 26 направлениям. Отрядно отметить растущий интерес студентов ТМА к данному мероприятию и большое количество докладов, сделанных на английском языке.

Таким образом, руководство и профессорско-преподавательский состав Ташкентской медицинской академии прилагает все усилия для подготовки высококвалифицированных кадров, соответствующих требованиям сегодняшнего времени.

А. В. ПРОХОРОВА,
Д.м.н. руководитель отдела по работе с одаренными студентами.

